O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi gazetasi

Ishonch

Insonga naf keltirish — oliy baxt!

http://www.ishonch-doveric.uz

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

2012-yil 21-fevral № 23 (3060) seshanba

Халқаро конференция иштирокчилари Самарқанд ва Бухорони зиёрат қилдилар

Отабек МИРСОАТОВ, Алишер ИСРОИЛОВ, Тоҳир ИСТАТОВ (ЎзА) олган суратлар.

Тошкентда 16-17 феврал кунлари «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда кўплаб йирик халқаро ташкилотлар ва молия институтлари, жумладан, БМТ, Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислом тараққиёт банки вакиллари, Буюк Британия, Германия, Италия, Хитой, АҚШ, Жанубий Корея, Япония, Россия каби дунёнинг 48 давлатидан таълим тизими раҳбарлари, олимлар, мутахассислар иштирок этди. Форум иштирокчилари Самарқанд ва Бухоро шаҳарларини зиёрат қилдилар.

Мамлакатимизда истиқлолнинг илк йилларидан баркамол авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ёшларимизнинг баркамол, замонавий билимларни пухта эгаллаган, буюк аждодларимизнинг муносиб ворислари бўлиб вояга етиши йўлида доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиб келинмоқда. Шу мақсадда мамлакатимизда таълим соҳасини босқичма-босқич, аниқ мақсадга йўналтирган ҳолда ислоҳ қилиш бўйича узоқни кўзлаган дастурлар изчил амалга оширилмоқда. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури баркамол авлодни вояга етказиш, етук мутахассислар тайёрлаш, ёшларнинг пухта билим олиши, иқтидорини тўла намоён этиши, қобилиятини юзага чиқариши, жамиятда ўз ўрнини топишида муҳим омил бўлаётир. Зеро, давлатимиз раҳбари ёшларнинг таълим-тарбияси ва профессионал тайёргарлик даражаси бизнинг келажагимизни, демократик ва иқтисодий тараққиётимизнинг тақдирини ҳал этишини доимо таъкидлаб келади. Шу маънода, ёшларга мамлакатимизни ислоҳ этиш ва янгилаш бўйича белгилаб олган юксак мақсадларимизга эришиш йўлида ҳал қилувчи куч, таянч ва суянч сифатида қаралмоқда.

(Давоми 2-бетда)

Ижтимоий ҳимоянинг муҳим дастури

— Дарҳақиқат, жамоа шартномаларининг таъсирчанлигини ошириш фаолиятимизнинг муҳим қирраларидан бўлиб, шартнома лойиҳалари раислар Кенгаши томонидан, ходимлар сони беш мингдан ортиқ бўлган корхоналар жамоа шартномалари Марказий кенгаш томонидан экспертизадан ўтказилиб, аниқланган камчиликлар бартараф этилмоқда.

2-бет

Жамоа музокаралари

Иш берувчилар ва уларнинг бирлашмалари, ижро этувчи ҳокимият органлари касаба уюшмаларига, ходимларнинг бошқа вакиллик органларига музокаралар учун ўзларидаги зарур маълумотларни бериши шарт. Музокараларнинг қатнашчилари, музокара олиб бориш билан боғлиқ бўлган бошқа шахслар, башарти ўзлари олган маълумотлар давлат ёки тижорат сири бўлса, уларни ошкор қилмаслиги керак.

3-бет

Меъёр

...тарбия экан, деб фарзандларни ҳаддан ташқари тергайвериш, таъна-дашномларга кўмиб юбориш, уларнинг орзу-истакларига қарши чиқиш ҳам кўпинча ёмон натижа беради. Нафақат фарзандлар билан, балки ҳамиша ҳар жойда, ҳар қандай ҳолатда ҳам муомалани меъёрида тута билиш — муомала маданиятининг белгиси.

4-бет

Ижтимоий шериклик тамойиллари амалда

Ҳар қандай ғоя ёки ташаббус ҳаётга татбиқ этилиб, қай даражада самара берганига қараб ўз баҳосини олади. Юқоридагидан келиб чиқиб фикрлайдиган бўлсак, Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Савдо-саноат палатаси ўртасида 2011- 2013 йилларга тузилган ижтимоий ҳамкорлик тўғрисидаги уч томонлама Бош келишув ўзининг дастлабки нишона меваларини бера бошлади. Бу борада Тошкент шаҳар ҳудудий келишуви юзасидан амалга оширилган ишлар таҳлили, шунингдек, «Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси фаолиятининг 2011 йил якунлари ва 2012 йилдаги устувор йўналишлари тўғрисида»ги 2012 йил 26 январда бўлиб ўтган Федерация кенгашининг IV Мажлиси қарорларидан келиб чиққан ҳолда, пойтахт касаба уюшмаларининг вазифалари тўғрисида»ги масалага бағишланган Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг навбатдан ташқари V Мажлиси асносида бунга яна бир карра ишонч ҳосил қилдик. Бошқача айтганда, мазкур йиғин уч томонлама келишув устидан ўзига хос мониторинг вазифасини ўтади.

Ҳаракат бирлиги

бундан барча бирдек манфаатдор

Мажлис учала томон вакиллари иштирокида ўтганлиги билан ҳам алоҳида аҳамият касб этди ва энг муҳим жиҳат шуки, сўз олганларнинг барчаси ҳамкорликда ишлаш муносабатларга ўзгача руҳ олиб кирганлигини мамнуният билан эътироф этишди.

Мазкур келишув талабларидан келиб чиққан ҳолда қисқа вақт мобайнида касаба уюшма ташкилотлари тузилмаган корхоналар тўғрисидаги маълумотлар жамланиб, тармоқлар бўйича янгидан-янги тузилмалар мониторинги йўлга қўйилди. Натижада, йил давомида 285 та касаба уюшма ташкилоти тузилди. Бирлашма кенгаши масъул ходимлари томонидан 300 дан зиёд бошланғич ташкилотларга амалий ёрдам берилди.

Бу нималарда кўринади? Энг аввало, шаҳар корхоналарида жамоа шартномаларининг иш берувчи билан ходимлар ўртасида ижтимоий шериклик асосида тузилиши доимий назоратга олиниб, 2011 йилда касаба уюшма хизматига олинган 3789 та юридик шахсларнинг 2867 тасида, яъни 75,6 фоизида жамоа шартномалари тузилди. Улар орқали 2888 та ташкилотда 474 минг 833 нафар кишининг, яъни 94,3 фоиз миқдордаги ишчи-хизматчиларнинг манфаатлари қамраб олинди.

(Давоми 3-бетда)

Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамаси мажлисида гапирилган эди

Битирувчига иш ўринлари тайин

Касб-ҳунар эгаллаётган ёшларни доимий иш билан таъминлаш бугунги куннинг энг муҳим вазифасидир. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисида бу мавзуга алоҳида тўхталиб ўтилгани ҳам бежиз эмас.

Сирдарё вилоятида ҳудудий электр тармоқлари очиқ акционерлик жамияти томонидан касб-ҳунар коллежларида электр энергияси соҳасига оид йўналишларни битираётган ёшларда амалий кўникмаларни ҳосил қилиш мақсадида уларга тармоқда узоқ йиллар меҳнат қилган ходимлар устоз сифатида бириктириб қўйилмоқда. Бунда 7 та касб-ҳунар коллежининг электр энергияси йўналишини битираётган 100 нафар битирувчини ишга жойлаштириш юзасидан чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилгани ҳам айни муддао бўлди.

Яқинда Гулистон туманидаги Деҳқонобод қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи биносида Гулистон, Ховос туманлари ва Ширин шаҳри касб-ҳунар коллежлари битирувчилари иштирокида тақдимот маросими бўлиб ўтди. Тадбир вилоят ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ОАЖ да «Устоз-шогирд» анъанаси бўйича олиб борилаётган ишларга бағишланди. Қатнашчилар туман электр таъминоти корхонасида ҳам бўлиб, соҳага оид қимматли маълумотлар олдилар.

Вилоят, шаҳар, туман газ филиаллари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси шу соҳага мутахассислар тайёрлайдиган касб-ҳунар масканлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатган бўлиб, 2011 йил давомида бошқарма томонидан яратилган шароитлар туфайли 52 нафар коллеж битирувчиси газ таъминоти соҳасида меҳнат фаолиятини бошлади.

— Жорий йилда вилоятимиздаги тўртта касб-ҳунар коллежида газ таъминоти йўналишини 63 нафар ёшлар битириши кутилмоқда, — дейди бошқарма бўлим муҳандиси Дилшод Худоёров. — Ёш мутахассисларнинг амалиёт ўташи ва кейинчалик доимий иш жойига эга бўлиши учун барча зарур чора-тадбирлар белгиланган. Агар битирувчи амалиёт даврида ўз иқтидорини кўрсатса, унинг учун бўш иш ўринлари сақлаб қўйилади.

Анорбой НОРҚУЛОВ,
«Ishonch» мухбири

Давр изчилликни талаб этади

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ишчи гуруҳининг Тошкент вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари фаолиятини ўрганиш ва амалий ёрдам кўрсатиш ишларига бағишланган таҳлилий йиғилиши бўлиб ўтди. Унда бирлашма кенгаши, тармоқ касаба уюшма вилоят ва туман ташкилотлари раҳбарлари ҳамда фаоллари иштирок этди. Йиғилишда Федерация кенгаши бўлим мудирлари ва масъул ходимлари томонидан вилоят касаба уюшмалари ташкилотларининг 2010-2011 йиллардаги фаолиятини ўрганиш ва амалий ёрдам кўрсатиш ишлари таҳлил этилиб, бу борада тавсиялар берилди.

Жумладан, ижтимоий шериклик асосида амалга оширилаётган ишлар, корхона-ташкилотларда жамоа шартномаларини тузиш, бандлик, иш ҳақи тўлови, «Устоз-шогирд» тизимидаги камчиликлар ҳақида сўз юритилди. Айрим корхоналарда «Устоз-шогирд» йўналишида ишлар йўлга қўйилмагани қайд этиб ўтилди.

Шунингдек, касаба уюшмалари маблағларидан фойдаланиш, аъзолик бадалларидан қарздорлик масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, вилоят АСМ ходимлари касаба уюшмаси кенгашининг аъзолик бадалларидан қарзи кўп миқдорни ташкил этиши танқид остига олинди. Бундан ташқари, касаба уюшмалари маблағи сарфланиши бўйича молиявий ҳисоботларни нотўғри тузиш ҳоллари учраётгани таъкидланди. Мисол учун, таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Бўка туман бирлашган қўмитаси фаолиятида шундай камчиликлар кузатилган.

Вилоятдаги корхона-ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳам алоҳида муҳокама этилди. Бу борада юзага келган кўплаб муаммолар санаб ўтилди. Масалан, ўтган йили 2010 йилга нисбатан меҳнат муҳофазаси бўйича сайланган жамоатчилик вакиллари 10,7 фоиз кам ўқитилган. Ишлаб чиқаришдаги шикастланиш ва касб касаллиги туфайли ходимларга, боқувчисини йўқотган шахсларга етказилган зарарни иш берувчи (суғурта компанияси) томонидан вақтида тўлаб борилиши касаба уюшма қўмиталари, тармоқ кенгашлари ва бирлашма кенгаши томонидан етарли назорат қилинмаяпти.

Маънавий-маърифий ва спорт соҳасида қилинаётган ишлар, йўл қўйилаётган камчиликлар ва уларнинг ечими ҳақида атрофлича фикр юритилди. Таҳлилларга кўра, бирлашма ва тармоқ кенгашлари томонидан бу борада муайян ишлар амалга оширилиши баробарида муаммолар ҳам етарли. Федерация Кенгаши томонидан ишлаб чиқилган «Касаба уюшмалари тизимида маданий-оммавий тадбирлар ўтказиш тўғрисидаги Низом» айрим тармоқ бошланғич ташкилотларига етиб бормаган. Шунингдек, «Маънавият соатлари»ни ўтказиш биронта корхонада тизимли йўлга қўйилмаган. Юқори ташкилотларнинг ҳужжатларини қайд этишда ҳам қатор камчиликлар бор.

Фаолиятни ўрганиш ва амалий ёрдам

Касаба уюшмалари фаолиятини тарғиб этишда оммавий ахборот воситалари муҳим ўрин тутади. Бироқ ўрганиш мазкур йўналишда вилоят касаба уюшма ташкилотлари томонидан ОАВ хизматидан етарли фойдаланилмаётганлигини кўрсатди. Мисол учун, бирлашма кенгаши матбуот хизмати иш режаси, шунингдек, вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари фаолиятининг устувор йўналишларини ОАВ ва интернет тармоғида расмий веб-сайтда ёритиш режаси ишлаб чиқилмаган. Бирлашма кенгашининг веб-сайтини юритиш қониқарсиз аҳволда.

Бундан ташқари, ижтимоий суғурта маблағларидан мақсадли фойдаланилиши масаласи ҳам батафсил кўриб чиқилди.

Ўрганиш натижасига кўра, бирлашма кенгашининг юридик бўлими фаолиятига жиддий эътирозлар билдирилди. Хусусан, бўлим тармоқ кенгашларига ҳуқуқий кўмак бериш борасида ҳеч қандай иш қилмаётганлиги танқид қилинди.

Бошланғич ташкилотлар касаба уюшмаларининг таянч ташкилоти ҳисобланади. Аммо таҳлилларга асосан, вилоят касаба уюшма ташкилотлари томонидан уларнинг фаолиятига кўмак бериш борасидаги ишлар қониқарсиз деб топилди. Жумладан, бирлашма кенгаши томонидан бириктирилган масъул ходим ва вилоят кенгаши аппарати ходимлари охирги ярим йилда бошланғич ташкилотларга чиқиб, маданий-маърифий ва спорт йўналишидаги фаолиятини ўрганмаган, амалий ёрдам бермаган. Шунингдек, уларга зарур ҳужжатлар тўлиқ етказиб берилмаган.

Йиғилишда касаба уюшма фаолларининг турли масалалардаги саволларига жавоб берилди. Вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари фаолиятида учраётган хато ва камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари белгиланди.

Иштирокчилар касаба уюшмалари фаолиятига оид мулоҳаза ва таклифларини билдиришди.

С.Саидкаримов, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Бўстонлиқ туман кенгаши раиси:

— Бугунги кун касаба уюшма ташкилотларининг тезкор замон билан ҳамқадам фаолият олиб боришини талаб этяпти. Тизимда амалга оширилаётган ўзгаришлар ҳам бундан далолат бериб турибди. Айниқса, ижтимоий шериклик йўналишида жиддий қадамлар қўйилаётир. Бу борадаги вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш учун барча касаба уюшма етакчи ва фаоллари фидойи, ҳаракатчан ва ташаббускор бўлиши лозим.

Касаба уюшмалари тизимида ёш, тажрибасиз етакчиларни ўқитиш, уларнинг билимини ошириш яхши йўлга қўйилган. Аммо шиддат билан ўзгараётган бугунги даврда олдиндан ишлаб келаётган касабақўм раисларини ҳам ўқувга жалб қилиш зарур, деб ўйлайман. Чунки соҳада бўлаётган янгиланишлардан доимо хабардор бўлиб борилмаса, фаолиятда орқада қолиш мумкин.

Яна бир масала — нимагадир АСМ касаба уюшмалари тизимида ходимларнинг санаторийга йўлланма олиши учун меҳнат дафтарчасини тақдим қилиш талаб этилади. Бошқа тармоқларда бундай қоида йўқ. Демак, бу масалани атрофлича ўйлаб кўриш керак.

Р.Газиева, Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Ангрен шаҳар бирлашган қўмитаси раиси:

— Фаолиятимизда учраётган камчиликларни бартараф этишга асосий эътиборни қаратаяпмиз. Ишимизни тубдан янгича кўринишда ташкил этишга жиддий ҳаракат қилишимиз лозим. Айни пайтда касаба уюшмаларининг устувор йўналишларидан келиб чиққан ҳолда вазифаларни белгилаб олиб, уларни амалга оширишга киришганмиз. Шу билан бирга, ходимлар манфаатини ҳимоя қилишда баъзи муаммолар ҳам бор. Жумладан, мактабгача таълим муассасаларида тарбиячиларни аттестациядан ўтказиш йўлга қўйилмаяпти. Чунки уларни аттетациядан ўтказиш бўйича Низом қабул қилинмаган. Натижада, прокуратура томонидан тарбиячиларнинг олдин аттестация қилинганда олган тоифалари бекор қилинаяпти. Халқ таълими вазирлигининг бу муаммога эътиборини қаратиш лозим, деб ўйлайман.

Йиғилишда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Танзила Нарбаева сўзга чиқиб, касаба уюшмалари олдида турган муҳим ва устувор вазифаларга эътиборни қаратди.

Тўлқин ШЕРНАЕВ,
«Ishonch» мухбири

Ishonch
2012-yil 21-fevral № 23 (3060)

Тармоқ касаба уюшмаларида

Ижтимоий ҳимоянинг муҳим дастури

«Ўзметмашсаноат» ходимлари касаба уюшмаси Андижон вилояти раислар Кенгаши раиси Бахромжон ҚУРБОНОВ билан суҳбат

— Мамлакатимизда ҳар йилни маълум бир ном билан аташ анъанага айланган. Шу орқали Давлат дастурлари ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда. Албатта, бу касаба уюшма аъзолари манфаатини ҳимоя қилишда муҳим дастур ҳисобланган жамоа шартномаларига ҳам маълум ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни тақозо этади.

— Дарҳақиқат, жамоа шартномаларининг таъсирчанлигини ошириш фаолиятимизнинг муҳим қирраларидан бўлиб, шартнома лойиҳалари раислар Кенгаши томонидан, ходимлар сони беш мингдан ортиқ бўлган корхоналар жамоа шартномалари Марказий кенгаш томонидан экспертизадан ўтказилиб, аниқланган камчиликлар бартараф этилмоқда.

Ўтган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида тармоқ корхона ва ташкилотларнинг 33 тасида жамоа шартномаларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди, 13 тасида янги жамоа шартномаси қабул қилинди.

— Тармоқда 2011 йил маълумотларига кўра, 20 мингдан ортиқ турли касб эгалари иш билан банд бўлган. Соҳани модернизациялаш туфайли сафга қўшма корхоналар ва хусусий ишлаб чиқарувчилар қўшилмоқда. Айтингчи, улар ўртасида аъзолик афзалликларини тарғиб этиш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Ўтган йил давомида раислар Кенгаши тизимига жами 8 та корхона жалб қилинди. «ЎзХанвоо» қўшма корхонаси, «Автосаноат агро» МЧЖ, «Олтинкўл агротехсервис МТП» МЧЖ, «Ўз Эко кат» ва «O'z Erae Climate Control» қўшма корхоналарида касаба уюшма қўмиталари тузилди. «Галакт савдо» хусусий корхонаси, «Водий энергомаш механика» МЧЖ корхонаси ва «ЎзДонг Жу Пеинт Ко» қўшма корхонаси таъсисчилигида Резина жипсловчи буюмлар ишлаб чиқарувчи корхонада цех касаба уюшма қўмиталари ташкил этилди. Тармоқ касаба уюшмалари сафи 481 нафарга кўпайди. Бундан ташқари, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳисобига шу вақт мобайнида 603 та янги иш ўринлари яратилди, шундан 61 таси касаначиликни ривожлантириш ҳисобига амалга оширилди. Янги ишга қабул қилинган ходимлар касаба уюшма аъзолари сафига жалб қилинди.

— Касаба уюшма аъзоларини ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилиш даражаси қандайлиги қизиқиш уйғотиши табиий...

— Тармоқ тасарруфидаги «SDK Group And» МЧЖ хорижий корхонаси, «Ирмаш корхоналари» МЧЖлари, «Гефест» хусусий корхонаси, «Анзис» МЧЖ, «Ўз-Се Мюнг», «ЎзТонгХонг», «Ўз Донг Янг» «Ўз-Донг Жу Пэинт» қўшма корхоналари жамоа шартномаларида меҳнат шартномаси, бандлик кафолатлари, иш ва дам олиш вақти, меҳнатга ҳақ тўлаш, ижтимоий имтиёз ва кафолатлар, меҳнат муҳофазаси, аёллар меҳнатини тартибга солиш, аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахслар, ёшлар учун қўшимча имтиёз ва кафолатлар аниқ-равшан белгилаб қўйилган.

Масалан, корхона ишчи ва ходимлари орасида тўй маросимлари ўтказган шахсга энг кам иш ҳақининг 20 баробари миқдорида моддий ёрдам берилади. Кўмакка муҳтож оилаларга турмуш шароитини яхшилаш учун 5 млн. сўмга қадар фоизсиз, 3 йил муддатга қайтариб бериш шарти билан молиявий ёрдам кўрсатилади. Корхонада барча ходимлар учун йиллик асосий таътил 18 иш кунидан кам бўлмаган ва 48 иш кунидан кўп бўлмаган миқдорда, тасдиқланган режа бўйича белгилаб қўйилган.

Иш берувчи томонидан ходимлар ўртасида маданий, оммавий, маданий-маърифий ва спорт ишларини ривожлантириш ҳамда ходимларни соғломлаштириш, дам олдириш учун ҳар ойда меҳнатга ҳақ тўлаш фондига нисбатан 0,15 фоиздан 5 фоизгача миқдорида маблағ ажратиш кўзда тутилган.

2011 йилда тармоқ тасарруфидаги барча корхона ва ташкилотлар жамоа шартномаларида алоҳида «Аёллар меҳнатини тартибга солиш, аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларга бериладиган қўшимча имтиёз ва кафолатлар», «Ёшлар учун қўшимча имтиёз ва кафолатлар» бўлимлари киритилишига эришилди.

Фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшгача бўлган ёш оналардан 180 нафарига 85,187 млн. сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Аёлларга бериладиган туғишгача ва туғишдан кейинги ҳақ тўланадиган таътиллар куни 24 нафар аёлга узайтирилди ва бу мақсадларга 13,518 млн. сўм маблағ сарфланди. Олий ўқув юртларида таҳсил олаётган 46 нафар талабанинг шартнома пулларининг бир қисмини тўлаш учун 218 млн. сўм миқдорида маблағ сарфланди. Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ва кўп болали ходимлар фарзандларининг 247 нафарига 12 млн. 261 минг сўмлик ўқув қуроллари олиб берилди. Кам таъминланган оила вакилларидан 1703 нафарига 261 млн. 655 минг сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар, шунингдек, уй-жой қурилиши учун янги оила қурган ёшлардан 105 нафарига 2 млрд. 786 млн. 145 минг сўм миқдорида фоизсиз ссудалар берилди.

— Ишчи-ходимлар манфаати ҳимояси аввалгидек, уларнинг ойлик иш ҳақлари миқдори ва маошларнинг ўз вақтида берилишида намоён бўлади.

— Айнан шунинг учун ҳам меҳнаткашларга иш ҳақларининг ўз вақтида берилиши мунтазам мониторинг қилиб борилмоқда. Корхоналарда энг кам ойлик иш ҳақи миқдорини Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баробаридан 7,8 баробаригача белгилаш жамоа шартномаларига киритилган. 2011 йил якуни бўйича тармоқ корхоналари ичида ўртача иш ҳақининг энг юқори кўрсаткичи «GM — Ўзбекистон» қўшма корхонасида бўлиб, 949970 сўмни ташкил этди.

Жамоа шартномалари мазмунининг тубдан яхшиланиши ва ижтимоий кафолатларни таъминлашга қатъий риоя қилинган жойдагина иш илгари силжийди, кўзланган мақсадга эришиш мумкин. Биз ишни ана шу қоидадан келиб чиққан ҳолда ташкил этишга ҳаракат қилмоқдамиз.

Суҳбатдош:
Абдулҳай ЮНУСОВ,
«Ishonch» мухбири



Ижтимоий шерикликни ривожлантириш ва уни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан 2012 йилда «Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси қошидаги Санатор-курортлар бошқармаси» унитар корхонаси, Ўзбекистон Дори-Дармон акциядорлик жамияти, «Ўзфармсаноат» Давлат-акциядорлик концерни билан тармоқ келишувлари тузиш режалаштирилган.

Ҳозирда «Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси қошидаги Санатор-курортлар бошқармаси» унитар корхонаси билан икки томонлама тармоқ келишуви тузиш юзасидан ўзаро музокаралар олиб борилмоқда. Жумладан, кеча икки томонлама тузилган комиссия аъзолари тармоқ келишувини муҳокама қилдилар ҳамда бир тўхтамга келинди. Мазкур тармоқ келишувини тузишдан кўзланган мақсад, «Санатор-курортлар бошқармаси» ва унинг тасарруфидаги санаторийларда меҳнат қилаётган ходимлар билан иш берувчиларнинг меҳнатга оид муносабатларини тартибга солиш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини мувофиқлаштиришга ёрдам беришдир.

Икром ҲАСАНОВ
олган сурат

Энг намунали бошланғич ташкилот

Дилда иштиёқ бўлса

Эшик тақиллаб, ичкарига цех касаба уюшма қўмитаси етакчиси Инесса Рива кирди. Дилмурод аканинг назарида шогирди паришонхотирдек туюлди.

— Дилмурод Юсупович, кўпчилик билан ишлашнинг ўзига яраша қийинчиликлари борга ўхшайди, — деди маъюсланиб Инесса.

Ҳушёр касабақўм шогирдининг ҳолатини тушунди. Инессанинг цех ташкилотига етакчи этиб сайланганига эндигина бир йилдан ошди. Қийналиши табиий. Шуларни хаёлидан ўтказар экан, шогирдига ётиғи билан:

— Ҳали ҳаммаси олдинда, мен ҳам шундай лаҳзаларни бошдан кечирганман. Энг асосийси, аъзоларингга нисбатан самимий бўл. Кишиларни тинглашни ўрган. Руҳан тушма. Қолгани ўтиб кетади. Бирор-бир маслаҳатли иш чиқса, тортинмай келавер, — деб унинг кўнглини кўтарди.

Пойтахтимиздаги «Ўзаэронавигация» маркази бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Дилмурод Исомиддиновнинг иш фаолиятида бундай воқеалар учраб туради. Касабақўмнинг эшиги барча аъзолар учун ҳамиша очиқ.

— 2004 йилда касабақўмликка сайлашганда, учувчи бўлсам, жамоатчилик вазифасини бажариш қўлимдан келармикан, деган фикр хаёлимдан кетмагани рост. Марказ директори Алишер Ашуровнинг далдаси билан фаолиятни бошладим. Ҳозирги пайтда 1921 нафар аъзомиз бор. Фаолларимиз билан ҳамкорликда ҳамкасбларимизнинг оғирини енгил қилишга ҳаракат қилаяпмиз.

«Аэронавигация» ниҳоятда мураккаб соҳа. Бу ерда ишлаётган диспетчерлар ёинки инженер-техник ходимлардан муттасил равишда касб-маҳоратларини ошириб бориш талаб этилади. Чунки фазодаги кемалар ҳаракати улар назоратида. Демак, ўз ўрнида касаба уюшма қўмитаси томонидан ҳам аъзоларга шунга яраша ғамхўрлик кўрсатилиши лозим.

Дилмурод Исомиддинов дастлаб ишни мамлакатимизнинг барча вилоятларидаги ҳаво ҳаракати бошқармаси ҳудудий бўлимлари касаба уюшма етакчилигига интилувчан, ишни кўзини биладиган кадрларни танлашдан бошлади. Шу боис бўлса керак, айни вақтда фаолият кўрсатаётган Андижондан Ойбек Иминжонов, Бухородан Фарҳод Зокиров, Навоийдан Алишер Қодиров, Нукусдан Илҳом Матчонов каби цех қўмита раисларининг фаолиятидан кўпчилик мамнун. Буни эришилган натижалар ҳам кўрсатиб турибди.

Ўтган йили аъзоларнинг 16 нафарига турли санаторийларга, 380 нафарига эса «Кристал», «Чорвоқ оромгоҳи», «Кумушкон», «Қизилсой», «Косонсой» ҳамда «Нанай» каби дам олиш уйлари ҳамда пансионатларга йўлланмалар берилди. 132 нафар ишчи-хизматчи 11 миллион 199 минг сўмлик моддий ёрдамдан баҳраманд бўлди. Аъзоларнинг 88 нафар фарзанди соғломлаштириш оромгоҳларида ҳордиқ чиқаришди.

Одатда тармоқ ходимлари ўртасида «авиация билан ҳазиллашиб бўлмайди», деган нақл юради. Шу боисдан ҳам бирлашган касаба уюшма қўмитаси томонидан меҳнат муҳофазаси масаласи доимий назоратга олинган. Бунда ўтказилаётган кўрик-танловлар ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

Кўрик-танловларда цех касаба уюшма етакчилари ҳамда меҳнат муҳофазаси бўйича сайланган вакиллар ҳам фаол иштирок этишмоқда. Ўтган йили «Ўзаэронавигация» маркази бўйича энг яхши вакил» номинациясида ғолибликка радиолокация инженери В.Тян сазовор бўлди. «Энг яхши цехқўм» номинацияси эса Самарқанд ҳаво ҳаракати бошқармаси ҳудудий бўлими касаба уюшма қўмитаси раиси Б.Ҳамроевга насиб этди.

— Касабақўм раиси ўз атрофига ишнинг кўзини биладиган, интилувчан фаолларни тўпламаса, бир ўзининг ҳаракати билан узоққа боролмайди, — дейди бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси муовини Зафар Ҳайдаров. — Дилмурод Исомиддинов айнан шу йўлни танлаган.

Айни вақтда қўмита қошида ташкилий ишлар, маданий-оммавий, спорт-соғломлаштириш, меҳнат муҳофазаси, ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоялаш каби комиссиялар фаолият кўрсатмоқда. Комиссия аъзоларининг барчаси ўз касбининг усталари бўлиб, жамоат ташкилотида ишлаб чиниққан.

— Фаолиятимиздаги яна бир ютуқ маъмурият билан ҳамжиҳат ишлаётганимизда, — дейди Дилмурод Исомиддинов. — Қўмита аъзоларининг ҳеч бир мажлиси Марказимиз раҳбари Алишер Ашуровсиз ўтмайди.

«Ўзаэронавигация» маркази бирлашган касаба уюшма қўмитасининг саъй-ҳаракатлари беиз кетмади. Ўтган йили ЎзКУФҚ томонидан ўтказилган «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловида меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялаш, меҳнат муҳофазаси, маданий-маърифий ҳамда спорт-соғломлаштириш ишлари яхши йўлга қўйилгани учун фахрли 3-ўринга сазовор бўлди.

Ишонамизки, бирлашган касаба уюшма қўмитаси учун бу чегара эмас.

Неъмат РАФИҚОВ,
«Ishonch» мухбири

Халқаро конференция иштирокчилари Самарқанд ва Бухорони зиёрат қилдилар

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бугунги кунда Самарқанд вилоятида бир минг икки юздан ортиқ умумтаълим мактаби, 158 касб-ҳунар коллежи ва 14 академик лицей, 7 олий ўқув юрти фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, шаҳар ва қишлоқларда 43 болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, 17 «Баркамол авлод» маркази, 34 болалар мусиқа ва санъат мактаблари ёшлар таълим-тарбияси билан банд.

— Мазкур халқаро анжуман юксак савияда ташкил этилганини ва барча иштирокчилар учун ғоят фойдали бўлганини таъкидламоқчиман, — деди **БМТ Бош котибининг ўринбосари Нойлин Хейзер хоним.** — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг халқаро конференцияда иштирок этиши ва нутқ сўзлаши ушбу йирик анжуманнинг нуфузини янада оширди. Юртингизда таълим соҳасида улкан ишлар амалга оширилганига гувоҳ бўлдим. Жумладан, Тошкент ахборот технологиялари университетининг Самарқанд филиалида ёшларнинг замонавий технологиялар бўйича билим олиши учун яратилган шарт-шароитларни кўрдим. Бугунги замонда ахборот технологияларининг ҳаётимиздаги ўрни ва роли ошиб бораётганини эътиборга олсак, мамлакатингизда мазкур соҳани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани ғоят оқилона ёндашувдир ва бу ўзининг юксак самараларини бермоқда. Ўзбекистонга ташрифим давомида дунёга машҳур Самарқанд шаҳрини зиёрат қилиш, бу ердаги тарихий обидаларни кўриш имкониятига эга бўлганимдан ғоят бахтиёрман. Самарқанд тасаввур қилганимдан ҳам гўзал ва мафтункор экан.

Халқаро таълим бўйича Америка кенгаши президенти Дэн Дэвидсоннинг (АҚШ) фикрича, бугунги кунда таълим тизимини ривожлантириш, иқтидорли талабалар сафини кенгайтириш, профессионал-маҳоратли кадрларни етиштириш жаҳоннинг барча мамлакатлари учун бирдек долзарбдир. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистонда ўтган «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти» мавзусидаги халқаро конференциянинг аҳамияти ғоят каттадир. Зеро, нафақат муайян бир мамлакат, балки бутун жаҳон иқтисодиётининг ривожи таълимнинг сифати билан узвий боғлиқдир.

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг халқаро анжуманнинг очилишидаги нутқи мамлакатингиз таълим тизимида эришилган муваффақиятлар, пухта ишлаб чиқилган таълим моделига оид фойдали маслаҳатларни қамраб олгани билан форумнинг барча иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди, — деди Дэн Дэвидсон. — Ўзбекистонда ишлаб чиқилган ва муваффақиятли татбиқ этилаётган ушбу таълим модели барча мамлакатлар учун намуна бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Халқаро конференция иштирокчилари Самарқанд шаҳридаги қатор таълим муассасаларида, жумладан, Самарқанд давлат университети қошидаги 2-академик лицей, Тошкент ахборот технологиялари университетининг филиали, 1-болалар мусиқа ва санъат мактабида бўлиб, ўқувчилар ва талабалар учун яратилган шарт-шароит билан танишдилар. Дарс жараёнида иштирок этиб, Самарқанд ёшлари билан бевосита мулоқотда бўлдилар.

— Шинам ва ёруғ хоналарда таҳсил олаётган ёшларнинг ақл ва заковатига ҳавас қилмасдан илож йўқ, — дейди **Халқаро ислом университети ректори, профессор Залеха Камарудин хоним** (Малайзия). — Ўзбекистоннинг нафақат пойтахтида, балки барча ҳудудларида халқаро стандартларга жавоб берадиган таълим муассасалари ва сифатли ўқув тизими мавжудлигини алоҳида қайд этишни истардим. Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан юртингизда қадимий обидаларни тиклаш, таъмирлаш ва асраб-авайлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ҳам юксак эътироф ва таҳсинга лойиқдир. Ўзбекистоннинг икки бетакрор шаҳри — Тошкент ва Самарқанд ўртасида қатнаётган «Afrosiyob» тезюрар электропоезди йўловчиларидан бири бўлганимдан мамнунман. Ушбу замонавий, қулай, йўловчилар учун барча шароитлар муҳайё этилган поезд юртингизда барча соҳалар каби темир йўл ҳим ўрин тутади. Президентимиз Ислом Каримовнинг болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастурига оид қарори ёш авлоднинг маънавий олами ва маданий савиясини юксалтириш, уларнинг миллий ва жаҳон мусиқа маданиятининг энг сара намуналаридан кенг баҳраманд бўлиши учун зарур шарт-шароит яратишда муҳим омил бўлаётир. Самарқанд шаҳридаги 1-болалар мусиқа ва санъат мактаби бошланғич ихтисослаштирилган мусиқа таълимини ривожлантириш ҳамда шу асосда мусиқа маданияти ва санъат соҳасида юқори маҳоратли кадрлар тайёрлаш борасида муваффақиятли фаолият олиб борилмоқда.

— Мазкур мактабда таҳсил олаётган ўқувчиларнинг санъатга меҳри, қўшиқ айтиш санъати ва турли мусиқа асбобларида гўзал қўйларни маромига етказиб ижро этиш қобилияти мени ҳайратга солди, — деди **Лас Вегас университети маъмурий департаменти директори Керри Трентам хоним** (АҚШ). — Мамлакатингизга илк марта келишим. Ташрифим асносида қадимий Самарқандни кўриш, тилларда достон меъморий обидалар ва бебаҳо тарихий ёдгорликларни, муқаддас қадамжоларни зиёрат қилиш имконига эга бўлганимдан бениҳоя бахтиёрман. Айниқса, Улуғбек расадхонаси ва Регистон мажмуаси менда унутилмас таассурот қолдирди. Шаҳардаги замонавий иншоотлар халқингизнинг бунёдкорлик салоҳиятини яққол намоён этиб турибди.

Ташриф доирасида меҳмонлар Самарқанд ва Бухоронинг кўплаб диққатга сазовор жойларида бўлиб, қадим шаҳарларимизда истиқлол йилларида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари билан танишдилар. Самарқанддаги муаззам Регистон майдони, Улуғбек, Тиллакори ва Шердор мадрасалари, Амир Темур мақбараси ҳамда Улуғбек расадхонаси, Бухородаги Арк қалъаси, Пойи Калон, Нодирдевонбеги ва Баҳовуддин Нақшбанд мажмуаларини катта қизиқиш билан кўздан кечирдилар.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан барпо этилган «Кўҳна ва боқий Бухоро» монументи, Бухоро вилояти мусиқали драма театрини ўз ичига олган Бухоро маданий маркази мажмуи анжуман иштирокчиларида, айниқса, катта қизиқиш уйғотди.

— Юксак савияда ташкил этилган ушбу халқаро конференция ҳар бир иштирокчи учун ғоят самарали бўлди, — деди **Бельгиядаги Франция геосиёсат институти етакчи эксперти Пьер-Эммануэль Томанн** (Бельгия). — Тадбир давомида хорижлик меҳмонлар Ўзбекистоннинг нафақат таълим тизимида, балки сайёҳлик соҳасида ҳам улкан салоҳиятга эга эканига амин бўлдилар. Мамлакатингиз ҳудудларидаги ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва олий таълим муассасалари ҳам пойтахтингиздаги каби жаҳон стандартларига жавоб берувчи барча зарур шароитларга эга эканини кўрдик. Таълим муассасаларининг муҳташам бинолари барча қулайликларга эга экани, энг замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозлангани конференция иштирокчиларига жуда манзур бўлди. Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, Ўзбекистон ёшларининг дарс жараёнларидаги фаоллигини кузатиб, исталган мавзу юзасидан ўқитувчилар билан тенгма-тенг баҳслаша оладиган чуқур тафаккур ва билимга эга эканига амин бўлдим. Айниқса, уларнинг одоби, маданияти менда унутилмас таассурот қолдирди. Ёшларнинг ўз ишига масъулият билан ёндашишини кўриб, Ватанига содиқ фарзандлар эканига ишонч ҳосил қилдим.

ЎзА

Касаба уюшма етакчилари учун

Жамоа музокаралари

Жамоа музокараларини олиб бориш тўғрисидаги 154-Конвенция Женевада 1981 йил 19 июнда Халқаро Меҳнат Ташкилоти Бош Конференциясининг 67-сессиясида қабул қилинган. Олий Мажлиснинг 1997 йил 30 августдаги 495-1-сон Қарорига мувофиқ ратификация қилинган мазкур ҳужжат Ўзбекистон Республикаси учун 1997 йил 15 декабрдан кучга кирган.

ҚЎЛЛАНИШ СОҲАСИ ВА АТАМАЛАР

«Жамоа музокаралари» атамаси бир томондан иш берувчи, иш берувчилар гуруҳи ёки иш берувчиларнинг бир ёки бир неча ташкилотлари билан иккинчи томондан меҳнаткашларнинг бир ёки бир неча ташкилотлари ўртасида қуйидаги мақсадларда олиб бориладиган барча музокараларни англатади:

а) меҳнат шароитларини ва иш билан таъминланиш шартларини белгилаш;

б) иш берувчилар билан меҳнаткашлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш;

в) иш берувчилар ёки уларнинг ташкилотлари билан меҳнаткашлар ташкилоти ёки ташкилотлари ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш.

Агар миллий қонун ҳужжатлари ёки миллий амалиёт меҳнаткашлар вакиллари мавжудлигини Меҳнаткашлар вакиллари тўғрисидаги 1971 йилги Конвенциянинг 3-моддаси «b» кичик бандида белгиланган каби эътироф этса, у ҳолда миллий қонун ҳужжатлари ва амалиёт «жамоа музокаралари» атамаси мазкур вакиллар билан олиб бориладиган музокараларни қай даражада қамраб олишини ушбу Конвенция мақсадлари учун белгилаши мумкин.

Мазкур модданинг 1-банди бажарилишидан келиб чиқиб «жамоа музокаралари» атамаси меҳнаткашлар вакиллари билан олиб бориладиган музокараларни ҳам қамраб оладиган бўлса, мазкур вакилларнинг мавжудлиги тегишли меҳнаткашлар ташкилотларининг мавқеига зарар етказмаслигини таъминлаш учун зарур даражада тегишли чора-тадбирлар кўрилади.

Ушбу Конвенция қоидаларининг қўлланилиши, агар жамоа шартномалари, арбитраж қарорлари ёки миллий амалиётга мувофиқ бўлган бошқа усул орқали амалга оширилмаётган бўлса, миллий қонун ҳужжатлари томонидан таъминланади.

ЖАМОА ШАРТНОМАЛАРИГА КЎМАКЛАШИШ

Жамоа музокараларини олиб боришга кўмаклашиш учун миллий шароитга мос бўлган чора-тадбирлар кўрилади.

Ушбу модданинг 1-бандида кўзда тутилган чора-тадбирлар қуйидагиларни назарда тутади:

а) мазкур Конвенцияда кўзда тутилган фаолият тармоқларида жамоа музокараларини барча иш берувчилар ва барча меҳнаткашлар гуруҳи олиб бориш имкони бўлишини;

b) жамоа музокаралари босқичма-босқич мазкур Конвенциянинг 2-моддаси «а», «b», «с» бандида кўзда тутилган барча масалаларни қамраб олишини;

с) иш берувчилар ва меҳнаткашлар ташкилотлари ўртасида келишилган тартиб-қоидалар ишлаб чиқишни рағбатлантиришни;

d) жамоа музокаралари олиб боришга уларни тартибга соладиган қоидалар мавжуд эмаслиги ёки қоидалар талабларга тўғри келмаслиги ёки мос келмаслиги тўсқинлик қилмаслигини;

е) меҳнат низоларини ҳал этиш бўйича органлар ва тартиб-қоидалар жамоа музокаралари олиб боришга кўмаклашишини кўзлаган ҳолда таъсис этилган бўлишини.

Ушбу Конвенциянинг қоидалари, жамоа музокаралари ўзаро муросага келиш ва арбитраж механизми ёки муассасасининг доираларида олиб борилишини ёки жамоа музокаралар жараёнида томонлар ихтиёрий иштирок этадиган механизм ёки муассасани ўз ичига олувчи ишлаб чиқариш муносабатлари тизимининг фаолиятига тўсқинлик қилмайди.

Давлат ҳокимияти органлари томонидан жамоа музокараларини ривожлантиришга кўмаклашишни қўллаб-қувватлаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар дастлабки маслаҳатлашувлар ва имкон қадар давлат ҳокимияти органлари билан меҳнаткашлар ва иш берувчилар ташкилотлари ўртасидаги битимларнинг мавзуси бўлади.

Жамоа музокараларига кўмаклашиш мақсадида кўрилаётган чора-тадбирлар жамоа музокаралари эркинлигини чекламайдиган тартибда ишлаб чиқилади ёки қўлланилади.

Энди меҳнат қонунчилигимизда бунинг қандай акс этганлиги ҳақида қисқача тўхталсак. Жумладан, Меҳнат кодексининг 31-моддасида мустаҳкамланганидек, ҳар қайси тараф жамоа шартномаси, келишувини тузиш ва ўзгартириш юзасидан музокаралар олиб бориш ташаббуси билан чиқишга ҳақлидир.

Касаба уюшмаси, ходимларнинг бошқа вакиллик органи ўзларини вакил қилган ходимлар номидан музокаралар олиб бориши, жамоа шартномасига, келишувига ўзларини вакил қилган ходимларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи иловалар таклиф этиши ва уларни имзолаши мумкин.

Ходимлар томонидан бир вақтнинг ўзида бир нечта вакиллик органи қатнашаётган бўлса, улар музокаралар олиб бориш, жамоа шартномаси ёки келишувининг ягона лойиҳасини ишлаб чиқиш ва бундай шартнома ёки келишувни тузиш учун бирлашган вакиллик органи ташкил этадилар.

Жамоа шартномаси, келишувини тузиш, ўзгартириш ва тўлдириш учун иш берувчи, иш берувчилар бирлашмаси (уларнинг вакиллари) билан касаба уюшмалари ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари ўртасида музокаралар олиб борилади. Зарур ҳолларда музокараларда ижро этувчи ҳокимият органлари иштирок этадилар. Иш берувчилар, ижро этувчи ҳокимият органлари касаба уюшмалари ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари кўриб чиқиш учун таклиф этган меҳнатга оид ва ижтимоий-иқтисодий масалалар юзасидан музокаралар олиб боришга мажбур.

Тегишли ёзма хабар олган тараф етти кунлик муҳлат ичида музокараларга киришиши шарт.

Аввалги жамоа шартномаси, келишувининг амал қилиш муддати тугашига қадар уч ой мобайнида ёки бу ҳужжатлар билан белгилаб қўйилган муддатда ҳар қайси тараф бошқа тарафга янги жамоа шартномасини, келишувини тузиш юзасидан музокаралар бошлаш тўғрисида ёзма хабар беришга ҳақлидир.

Ушбу кодекснинг 32-моддасига биноан музокаралар олиб бориш ва жамоа шартномаси, келишувининг лойиҳасини тайёрлаш учун тарафлар тенг ҳуқуқлилик асосида тегишли ваколатларга эга бўлган вакиллардан иборат комиссия тузадилар.

Комиссиянинг таркиби, музокараларнинг муддати, ўтказиладиган жойи ва кун тартиби тарафлар қарори билан белгиланади.

Музокараларда иштирок этаётган тарафларга жамоа шартномаси, келишувининг мазмунини ташкил этувчи масалаларни танлаш ва муҳокама қилишда тўла эркинлик берилади.

Иш берувчилар ва уларнинг бирлашмалари, ижро этувчи ҳокимият органлари касаба уюшмаларига, ходимларнинг бошқа вакиллик органларига музокаралар учун ўзларидаги зарур маълумотларни бериши шарт. Музокараларнинг қатнашчилари, музокара олиб бориш билан боғлиқ бўлган бошқа шахслар, башарти ўзлари олган маълумотлар давлат ёки тижорат сири бўлса, уларни ошкор қилмаслиги керак. Бу маълумотларни ошкор қилган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

Агар музокаралар жараёнида тарафлар ўзларига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра муросага кела олмаган бўлсалар, баённома тузилиб, унга тарафларнинг бу сабабларни бартараф этиш учун зарур чоралар ҳақидаги тугал равишда баён этилган, шунингдек, музокараларни қайта тиклаш муддатига доир таклифлари киритилади.

Меҳнат кодексининг 281-моддасида жамоаларга доир меҳнат низоларини кўриб чиқиш тартиби белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги, Жиноят кодексларида ушбу масалага доир моддалар мавжуд.

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ҳар қандай йиғинда бўлгани каби, табиийки, эришилган муваффақият ва ютуқлар бир-бир саналди, ибрат бўлгулик жиҳатларга эътибор қаратилди. Хусусан, меҳр-оқибат таомилига риоя қилинган ҳолда, ўтган давр мобайнида ҳаракатдаги жамоа шартномалари орқали пенсияга чиққан ва ҳомийликка олинган ёлғиз кексаларнинг 1170 нафарига корхоналар ва касаба уюшмалари ҳисобидан жами 67 миллион сўмдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди.

Бугина эмас. Кичик бизнес субъектларига алоқадор 1000 га яқин кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг фарзандлари учун ўқув қуроллари, дарсликлар харидига 140 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди, 5812 та кам таъминланган ёш оилалар вакилларига корхоналар томонидан 390 миллион 621 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди ҳамда олий ўқув юртларида таҳсил олаётган 258 нафар талабага корхоналар томонидан қарийб 450 миллион сўмлик шартнома пулларининг бир қисми тўлаб берилди. Яна бир жиҳат, бу меҳнат муҳофазаси билан боғлиқ бўлиб, ҳисобот даврида жамоа шартномаларида белгиланган тадбирлар учун режалаштирилган маблағ 4,6 миллиард сўмни ташкил этгани ҳолда, соҳа-

Ҳаракат бирлиги

бундан барча бирдек манфаатдор

нинг долзарблиги инобатга олиниб, 11 мингга яқин тадбирлар ижроси учун 4,8 миллиард сўм сарфланди. Касаба уюшмаларига мурожаат қилган, ишлаб чиқаришда жароҳат олган ходимлар ва боқувчисини йўқотган оилаларнинг 127 тасига ҳуқуқий маслаҳат ва ёрдамлар берилди. Ходимларга етказилган зарарни иш берувчи томонидан ўз вақтида ва тўлиқ тўланиши бўйича келиб чиққан меҳнат низолари 3 та суд жараёнида кўриб чиқилиб, жабрланувчилар фойдасига ҳал этилди...

Тошкент шаҳар ҳокимининг иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари котибият мудири Зикирилла Асатов, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармаси бошлиғи Бахтиёр Мирхонов, Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи Улуғбек Абдуллаев мажлис аҳли эътиборига ҳавола этган маълумотлар чиндан-да мавжуд келишув барча томонлар учун бирдек манфаатли бўлаётганини тасдиқлади. Мустаҳкам оила йилида бандлик масаласи жиддий назоратда бўлиши таъкидланиб, режада белгиланган 82 минг ўрнига 100 минг иш ўрни яратилиши касаба уюшма етакчиларини, айниқса, мамнун этди. Зеро, бу айни вақтда касаба уюшма аъзолари сони яна ортади деганидир.

Мухтасар айтганда, ҳеч ким ушбу йиғинга қуруқ қўл билан келмаганини билдириб қўйиш ниятида эканлиги шундоқ сезилиб турди. Айнан шунга кўра, Тошкент авиасозлик касб-ҳунар коллежи директори Қобил Йўлдошев, «Шарқ» нашриёт матбаа акционерлик компанияси касаба уюшма қўмитаси раиси Ғуломжон Ҳакимов, шаҳар касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти кенгашининг 1-комплекс ихтисослаштирилган Олимпия резервлари ўсмирлар спорт мактаби синхрон сузиш бўйича катта ўқитувчи-мураббийи Элмира Файзуллаева, Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгашининг Сирғали тумани мутаҳассиси Шоира Шамшиева ва бошқаларнинг чиқишлари илиқ кутиб олинди.

Албатта, ҳар қандай йиғилишда белгиланган регламентга риоя қилиниши керак. Қоғозга туширилган ва оғзаки шарҳлаб, тўлдириб борилиши лозим деб ҳисобланган масалалар ҳаддан зиёд кўп бўлса-чи? «Ўзкабел» қўшма корхонаси ОАЖ меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири Андрей Шевченко билан шундай ҳол юз берди. Қизиғи шундаки, ҳеч ким эътироз билдирмади. Ҳатто орқароқда ўтирган аёллардан бири ёнидаги шеригига «ишини жуда яхши кўраркан», деганини анча-мунча одам эшитди.

Лекин, шу билан бирга, мажлисда аъзоликка жалб этиш масалаларида кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари ва қўшма корхоналарга кириб боришда сусткашликка йўл қўйилаётгани, бу борадаги ишларни мониторинг қилишда муаммолар борлиги ҳақида ҳам фикрлар билдирилди. Ҳар ҳолда, ютуқларни пешкаш қилавермасдан, фаолиятни танқидий баҳолаш фақат тараққиётга хизмат қилади. Тараққиёт, замон билан ҳамнафас бўлиш йўлини кўзлаётган касаба уюшмалари учун ҳозир бу ҳам керак.

Зайниддин РИХСИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Молия муассасаларида

Имтиёз ва ишонч

Ривожланган давлатлар тажрибасидан маълумки, халқ хўжалиги тизимини молиявий муассасаларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки банклар барча соҳаларни ривожлантиришнинг муҳим омили ҳисобланади.

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги «Ипотека-банк» АТИБ филиали ҳам иқтисодиётимизни барқарорлаштиришда асосий устқурмалардан бири сифатида фаолият кўрсатмоқда. Мижозларнинг мазкур банкка нисбатан ишончи тобора мустаҳкамланаётганлигини шундан ҳам кўриш мумкинки, бугунги кунда уларнинг сони уч мингтадан ошиб кетди. Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида гавжум масканларда 6 та минибанк, жамғарма ва коммунал кассалар сони 28 тага етказилди. Мазкур шохобчалар орқали 39 млрд. 833 млн. сўмлик маблағ қабул қилиб олинди.

— Аҳоли омонатлар миқдори 6 млрд. 636 млн. сўмга етказилиб, мижозлар депозитлари миқдори 29 млрд. 837 млн. сўмни ташкил этди, — дейди мазкур банк филиали раҳбари Қодиржон Абдуллаев. — Жорий йилнинг январ ойи ҳолатига филиал капитал миқдори 1 млрд. 79 млн. 827 минг, кредит қўйилмалари ҳажми эса 21 млрд. 405 млн. сўмга етказилди. Албатта, бу билан чекланиб қолмаймиз. Мустаҳкам оила йили муносабати билан аҳолининг бўш пул маблағларини кенг жалб этиш, янги имтиёзли омонат турлари ташкил этиш, уларга кичик бизнесини бошлаш, маиший техникалар харид қилиш ва уй-жой сотиб олишлари учун имтиёзли кредитлар ажратиш мақсадида Тошкент шаҳар АТИБ «Ипотека-банк» раҳбарияти билан аниқ дастурий иш режаси ишлаб чиқилди.

Бу мижозларнинг ижтимоий аҳволини янада мустаҳкамлашга, уларнинг банкга нисбатан ишончи янада ортишига замин яратади, албатта.

Наргиза ЖЎРАБЕКОВА

Чувалчанг нега ёрилди?

Журналист Адҳам Арслоновнинг «Ҳар ким ўз тақдирининг меъморидир» номли мақоламга «Бургага аччиқ қилиб...» мақоласи билан билдирган муносабатини ўқиб хурсанд бўлдим. Бу менинг уринишларим бесамар кетмаганлигидан далолат. Муносабатлар ижобий ёки салбий бўлишидан қатъий назар тараққиётга хизмат қилади.

Журналист ижтимоий тармоқлардан фойдаланувчиларга узоқдаги қариндошлари, дўстлари ва яқинлари билан доимий мулоқотда бўлиши учун қулай имконият яратишини таъкидлаган. Бу, албатта, тўғри фикр. Шунингдек, дунёда содир бўлаётган воқеалар интернет орқали яшин тезлигида тарқалишига ва улардан бизни хабардор қилиб боришига ҳам эътирозим йўқ. Булар биз учун жуда муҳим. Интернет вақтни тежайди, имкониятларимизни эса бир неча баробар оширади. Агар ундан тўғри ва мақсадли фойдалана олсак, албатта. Акс ҳолда, биз учун фақат зарар келтириши мумкин.

Интернетдаги ижтимоий тармоқлардан ортиқ даражада фойдаланишлик зарарли дегани, бу ёшларимизни улардан фойдаланишни таъқиқлашимиз лозим, дегани эмас. Ҳар ким эшитганини ўзича талқин қилади. Келинг, шу ўринда сизга ҳозирги кунда инглиз тилидан ўзбек тилига таржима қилаётганим — Шив Керанинг «Сиз ғалаба қила оласиз» китобидан бир мисол келтирсам.

— Мен буни алкоголизм касаллигига чалинганлар орасида тарғибот уюштирган битта врач дўстимдан эшитганман, — дея ҳикоя қилади Шив Кера. — У алкоголнинг инсон соғлигига салбий таъсир кўрсатишини исботлаб бериб, ашаддий ичувчилар орасида ислоҳот ўтказишни хоҳларди. Шу мақсадда дўстим иккита идишнинг бирисини дистилланган сув, иккинчисини эса тоза алкогол билан тўлдирибди. Дистилланган сувга ёмғир чувалчангини ташлабди. Ёмғир чувалчанги сувда эркин сузиб, сувнинг юзасига чиқибди. Иккинчи тоза алкогол билан тўлдирилган идишга солинган бошқа бир ёмғир чувалчанги эса ҳамманинг кўз олдида ёрилиб кетибди. Бу билан у алкогол бизнинг ички организмимизни қай аҳволга солиб қўйишини тушунтирмоқчи бўлган ва иштирокчиларнинг қандай хулоса чиқарганлиги билан қизиққан. Шунда улардан бири буни ўзича тушуниб, «агар сиз алкогол ичсангиз, ошқозонингизда қурт бўлмайди» деб жавоб берибди.

Дўстим бундай хулосани кутганмиди? Албатта йўқ. Бу ўзига мослаб эшитиш натижасидир. Нима ҳақида гапирилишидан қатъий назар биз нимани эшитишни хоҳласак, шуни эшитамиз.

Бундан ташқари, журналист Адҳам Арслонов odnoklassniki.ru ижтимоий тармоғида инглиз тилини биладиган бир дўсти гуруҳ ташкил этиб, ёшларга сабоқ бераётганлигини мисол қилиб кўрсатган ва шу билан ижтимоий тармоқлар орқали чет тилларини ўрганишни йўлга қўйишни таклиф қилмоқда. Бу таклифдан сўнг қичик бир тажриба ўтказишга қарор қилдим.

Odnoklassniki.ru ижтимоий тармоғида мен ҳам рўйхатдан ўтганман. Бу тармоқда 100 тача фойдаланувчи билан дўстлашганман. Уларнинг 91 фоизини олий маълумотлилар ташкил этади. Аксарияти 20 ёшдан 30 ёшгача бўлганлар. Олий маълумотлиларнинг 20 фоизга яқини чет элда магистрлик даражасида ўқиётган ва чет элда ўқиш тажрибасига эга ёшлар. Қолганлари эса мамлакатимизнинг олий ўқув юртларида ўқиётган ва мутахассислиги бўйича турли соҳаларда ишлаётганлар. Инглиз тилини ўрганишга қизиқадиганлар ёки бу тилда гаплаша оладиганлар қанчани ташкил қилишини билиш учун статусимга инглиз тилида муҳокамага чорловчи иборалари ёздим. Натижа эса мен кутгандан анча ёмон. 15 фоиз фойдаланувчи инглиз тилида ўз фикрларини билдиришди. Кўпчилик «бу нима дегани?» деб сўрашса, айримлари «уффф, яна инглиз (умуман тушунмаганлар «немис») тилими...?» деб муносабат билдиришди. Шунда тенгдошларим бу ижтимоий тармоқда нима билан машғул эканлигига қизиқдим. Натижа эса янада ачинарли. Мен билган танишларим ва уларнинг дўстлари билан қўшиб қарийб 300 тадан ортиқ фойдаланувчиларнинг ўзаро ёзишмаларини кузатдим. 20 фоизга яқин фойдаланувчи ўзаро тажриба алмашиш, узоқдаги яқинлари билан гаплашиш, бўлаётган янгиликлардан хабар топиб бориш мақсадида фойдаланишса, аксарияти (60 фоиздан ортиғи) расмларга баҳо бериш, бир-бирини мақташ, кимнингдир статусига ёзилган сўзларга муносабатларини билдириш билан вақтини ўтказишар экан. Қолган қисми эса ижтимоий тармоқда очиқчасига сўкиниш, беҳаё сўзлардан фойдаланиб, қизларнинг расмларига баҳо бериш, жаргонлардан фойдаланган ҳолда ўзаро суҳбатлашиш билан «банд» бўлишмоқда. Афсуски, айрим жаргонларни тенгдошларимиз билан бўлган суҳбатда кўп эшитишимиз мумкин. Бунга бугунги куннинг энг машҳур «огородимга тош отмагин-о!» иборасини мисол келтириш мумкин. Айрим қизлар эса «мард йигитлар билан танишаман» деган сўзлар билан ярим-яланғоч тушган суратларини қўйишган (бу сўзларим учун ҳаё ва ибода дунёда тенги йўқ ўзбек опа-сингилларимиздан кечирим сўрайман). 300 та фойдаланувчи билан бутун бир сонли odnoklasniki.ru фойдаланувчиларига объектив баҳо бериб бўлмайди, деган фикрлар туғилиши табиий. Лекин сўзимнинг аввалида уларнинг қанчаси олий маълумотли эканлигини таъкидлаб ўтганим бежиз эмас...

Баҳс давом этади

Зарурат юзасидан маълумот олиш учун интернет кафега кирдим. Ёнма-ён жойлашган компютерларнинг бўш турганидан интернетдан ўзимга керак бўлган маълумотларни излай бошладим. Шу пайт ўнг томонимда интернетдан фойдаланаётган бир қизнинг тез-тез секингина кулиши ва нималарнидир берилиб ёзаётгани эътиборимни тортди. «Нималарни бунчалик берилиб ёзаётган экан», деган фикр билан компютер экранига қарадим. Экранда ўғил бола номига очилган ва ўғил бола расми билан рўйхатдан ўтган odnoklassniki.ru ни кўрдим. У қиз «ўғил бола бўлиб» қизлар билан берилиб гаплашаётган эди... Бу ҳолатни қандай тушуниш мумкин? Бу олтиндан қиммат вақтимизни бекор ўтказиш эмасми?

Адҳам Арслоновнинг «таълим тизимида ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш даври келмадимикан?» деган саволи назаримда тўлиқ очиб берилмагандай. Тил ўрганишни хоҳловчилар ижтимоий тармоқлардан эмас, тил ўрганиш учун очилган махсус сайтлардан фойдаланишса мақсадга мувофиқ бўларди деган умиддаман. Мисол учун www.livemocha.com, www.lingualeo.ru ва шунга ўхшаш сайтлар. Бу сайтларнинг тил ўрганишдаги афзаллик томони шундаки, унда ўзингиз яхши биладиган тилларни ва ўрганишни хоҳлаган тилларни белгилаб рўйхатдан ўтасиз ва шу орқали сиз билган тилни ўрганувчи, ўзингиз ўрганишни истаган тилда эркин гаплашувчилар рўйхатини олиб, шулар билан дўстлашасиз. Ўз она тилингизни бошқа бир инсонга ўргатиш билан биргаликда ундан чет тилини ўрганиш имкониятига эга бўласиз. Бизни ҳайратга соладиган яна бир нарса — ўзбек тилини ўрганишга қизиқувчилар кўпчиликни ташкил этади. Ундан ташқари, ушбу сайтларда видео ва аудео дарслар мавжуд бўлиб, бу эшитиш ва сўзлашиш қобилиятини ривожлантиради.

Ёшларимизга ижтимоий тармоқлардан фойдаланишни чеклашимиз эмас, тўғри фойдаланмаслик зарарли эканлигини тушунтиришимиз лозим. Хулоса чиқариш эса виждонимизга боғлиқ. Аввал ҳам айтиб ўтганимдек, ҳар ким ўз тақдирининг меъморидир. Шуни ёддан чиқармасак бас!

Эркинбой АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши юристи

Омон бўлинг,
МУҲТАРАМ ГАЗЕТХОН

Ishonch
2012-yil 21-fevral № 23 (3060)

«Лондон — 2012» олдидан

Сир эмаски, юртимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида, ҳаттоки, чекка-чекка жойларида ҳам ёшларимиз спортнинг гимнастика турлари билан ошно тутинишмоқда.

Шоҳсупа сари йўл

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Гимнастика федерацияси томонидан ёшларни спортга жалб этиш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, турли мусобақа ва тадбирлар ўтказиш ишлари мунтазам йўлга қўйилган. Натижада ушбу спорт тури билан шуғулланувчилар сони йилдан-йилга кўпайиб боряпти. Жойларда мураббийларнинг малакасини ошириш, спортчилар маҳоратини синовдан ўтказиш мақсадида турли ўқув-семинар ҳамда машғулотлар ташкил этилмоқда. Шу билан бирга, хориждан етакчи мутахассислар жалб этилиб, ҳудудларда «мастер-класс»лар уюштириш анъанага айланиб бормоқда. Спортчиларга кўрсатилаётган бундай эътибор ва ғамхўрлик ўз самарасини беряпти.

Ортда қолган йилда спорт гимнастикасидан йигирма икки олтин, ўн кумуш, ўн олти бронза (48 та), бадиий гимнастика бўйича ўн бир олтин, йигирма етти кумуш, ўн тўққиз бронза (57 та), акробатика туридан битта олтин, икки кумуш, бешта бронза (8 та) ҳамда тромполиндан тўртта олтин, битта кумуш, иккита бронза (7 та) медаллар шодаси жамғарилган. Умумий ҳисобдаги медаллар сони эса 38 олтин, 40 кумуш ва 42 бронзани ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 5 январдаги «2012 йил Лондон (Буюк Британия)да бўлиб ўтадиган XXX ёзги Олимпия ва XIV Паралимпия ўйинларига тайёргарлик кўриш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори гимнастикачиларимиз учун дастуруламал бўлиб хизмат қилаётир. Айни пайтда федерация ҳисобида Олимпиада ўйинларига иккита йўлланма мавжуд бўлиб, уларнинг бири истеъдодли спортчи Ульяна Трофимова (бадиий гимнатика)га тегишли бўлса, иккинчи йўлланма Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси томонидан аёллар спорт гимнастикасига берилган. Мазкур йўлланма учун ҳозирда 2 нафар спорт гимнастикачимиз Луиза Галиулина ҳамда Дарья Елизарова даъвогарлик қилмоқда.

Биринчи йўлланма эгаси Ульяна Трофимова Олимпия ўйинларига тайёргарлик машғулотларини ҳозирда Россиянинг Новогорск шаҳрида етакчи мураббийлар назоратида амалга оширмоқда. Спорт гимнастикачиларимиз эса, Тошкентдаги Гимнастика спорт саройида машғулотларга зўр беришган. Федерациянинг жорий йил режасидан жаҳон кубоги босқичлари (бадиий гимнастика), гран-при ва турли халқаро турнирлар ҳам ўрин олганки, улар бевосита терма жамоамиз аъзолари учун Олимпия ўйинларига тайёргарлик вазифасини ўтаб беради. Ушбу мусобақалардан бири — бадиий гимнастика бўйича жаҳон кубоги босқичи баҳслари 16-21 май кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилиши режалаштирилмоқда.

Дарвоқе, Ўзбекистон Гимнастика федерациясидан маълум қилишларича, йўлланмалар сони яна ортиши мумкин экан.

Нарзулла МАҲАМОВ,
«Ishonch» мухбири

Мулоҳаза

Меъёр

Биз кўриб турган ва кўрмаётган бутун борлиқ — сайёралар тизими бир-бирига нисбатан уйғун ҳолда ҳаракатланади. Масалан, қуёш тизимидаги мавжуд тартиб туфайли сайёрамизда кеча ва кундуз, ойлар, йиллар бир маромда алмашиниб туради. Ана шу меъёр озгина бузилгудек бўлса, бутун олам остин-устун бўлиб кетиши ҳеч гап эмас. Меъёрнинг ташқи оламдаги бундай муҳимлиги ички ижтимоий, сиёсий ва шахсий ҳаётимизда ҳам ғоят катта аҳамият касб этади.

Бугунги кунда барчани ташвишга солаётган экологик мувозанат бузилишининг турли кўринишлари нимадан келиб чиқди? Инсоният табиатдан имкондан ташқари жуда кўп нарса талаб қилди ва ундирди ҳам. Кўп фойда илинжида турли кимёвий ўғитлару моддалар билан ерни оғулашдан ҳам тоймади. Чўлу биёбонларни обод қиламиз, дея сохта меҳрибончилик билан дарёларни ўзанидан мажбурлаб ўзгартириб, табиат қонунларини менсимади.

Узоқ тарихдан бугунги кунга қадар бўлган «сиёсий бўлиниш» дея силлиққина жумла билан атаганимиз — она Заминни бўлиб олиш ҳам силлиққина амалга ошганми? Ҳар бир бўлинишнинг ибтидоси-ю интиҳосида дарё-дарё қонлар оқмадими? Баъзан ҳимоя учун, баъзан эса кўпроқ бойлик ўзлаштириш мақсадида тобора кўпроқ ва такомиллашган қурол ишлаб чиқарилиши оқибатида тупроғимиз қанчадан қанча заҳри қотилларга тўйиниб, мажруҳланиб бормаяптими?

Фан-техника тараққиёти бизнинг ютуғимиз, албатта. Аммо, қанийди, у фақат эзгулик учун хизмат қилса! Ҳозирги замон ҳарбий қуроллари, Худо сақласин, она Заминни бир пасда кунпаякун қилишга қодир. Ўз онасини ўлдириш эса — манқуртлик.

Юқорида айтиб ўтганимиз барча аччиқ-аламли ҳолатлар янги гаплар эмас, булар ҳозир барчага аён ҳақиқат. Айтмоқчи бўлган фикримиз шуки, буларнинг бари меъёр бузилишининг оқибатлари. Ҳар бир жараённинг сабаб ва оқибатларига теранроқ назар солсак, бу яққол намоён бўлади. Қаердаки меъёрда етишмовчилик ёки ортиқчаликка йўл қўйилса, маълум даражада мувозанат бузилади ва бу бузилиш занжир бўлиб, бири иккинчисига уланиб кетаверади.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, экологик емиришлар ва умуман кишилик тарихидаги барча қирғинбаротларнинг айбдори сифатида бутун халқни қоралашга ҳаққимиз йўқ ва бундай ниятда ҳам эмасмиз. Зеро, оддий халқ ҳеч қачон ўз тупроғига хиёнат қилмайди.

Ҳар бир инсон дунёга келиши билан нафақат ота-онасига, қолаверса, теварак-атрофдагилар, кенгроқ олиб қарасак, бутун инсониятга масъулият юкланади. Негаки, инсон бир умр ўз оиласи ёки маҳалла-кўй доирасида қолиб кетмайди. Айниқса, ҳозирги ахборот алмашиниш такомиллашган замонда ҳар бир киши ўз онгида бутун дунёдан ахборот тўплайди. Ҳамма ҳам оиласи ва яшаш муҳитида ўз меъёрида тарбия олавермайди, беш қўл баробар бўлмагани каби. Бундай тарбияси суст одамни олис юртлардаги қайсидир чиройли ниқоб остидаги жирканч ишлар ўзига жалб қилмайди, деб ҳеч ким кафолат беролмайди.

Тарбия ниҳоятда мураккаб жараён. Бунда озгина эътиборсизликка йўл қўйилса бўлди, ўша онданоқ лоқайдлик ўз асоратини қолдира бошлайди. Кўпинча, болалигида қийинчилик кўриб, улғайганда тўкис ҳаётга эришган ота-она: «Ўзим қийналиб катта бўлдим, энди болаларим оғирлик кўрмасин», — дея фарзандларини енгил ҳаётга ўргатиб қўйишганини сезмай қолади. Баъзилар эса, ёлғизгина болам, деб ҳаддан ортиқ авайлаб, талтайтириб юборади. Буни ҳеч ким атайлаб, боласига ёмонликни соғиниб қилмайди, албатта. Фарзандга бўлган меҳрнинг чек-чегараси йўқ, буни инкор қилиб бўлмайди. Биз фақат шакарнинг ҳам ортиғи заҳарга айланишини унутиб қўямиз. Болаликданоқ меҳнат кўникмасини олмаган, машаққат нималигини оз бўлса-да «татиб» кўрмаган жигаргўшамиз суяги қотгач, эгилишни истамайди, меҳнатни бўйнига олгиси келмайди. Олган тақдирда ҳам исталган вақт шароит туғилса, енгил-елпи, носоғлом ҳаётга ўзини уриб кетишга мойил бўлади. Меҳримиз ҳам уни бу йўлдан қайтаришга ожизлик қилади. Яна шундайки, тарбия экан, деб фарзандларни ҳаддан ташқари тергайвериш, таъна-дашномларга кўмиб юбориш, уларнинг орзу-истакларига қарши чиқиш ҳам кўпинча ёмон натижа беради. Нафақат фарзандлар билан, балки ҳамиша ҳар жойда, ҳар қандай ҳолатда ҳам муомалани меъёрида тута билиш — муомала маданиятининг белгиси.

Меъёр бутун борлиқни, онг-шууримизни қамраб олувчи жуда кенг тушунча бўлиб, у бор жойда мувозанат бор, мувозанат бор жойда эса соғлом ривожланиш вужудга келади.

Шаҳзода ҲАКИМОВА

Асли Форишнинг Қораабдол қишлоғидан бўлса-да, Пайариқда яшаб, шу ерлик бўлиб кетган тоғам Саъдулла Бойсинов туман тайёрлов идорасида таъминотчи бўлиб ишларди. У қишда ҳам, ёзда ҳам тиним билмас, уззукун «Волга»сида қишлоқма-қишлоқ юриб, нақд пулга чорвачилик ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид қиларди. Шу тоғам мендан ҳам яқинроқ, тўғрироғи, тўғишган жиянини ўқитиб, катта одам қилиш ишқига тушиб қолди. Бир куни учрашганимизда тоғам «ёрилди»:

Пўстакфуруш Ғафур

— Бир маслаҳатли иш бор. Битирса, райком, райисполком ё мелисаларнинг бошлиғи бўладиган ўқишга менинг қассоб жиянимни киритиб қўйсак. Катта одам бўлиб кетса, сенга ҳам фойдаси тегармиди, дейман-да!

Бундай катта мансаб эгаларини тайёрлайдиган ўқишни билмас эканман. Шу боис юрак ютиб сўрадим:

— Қанақа ўқиш экан у, тоға?

— Қанақа бўларди, тарих факультетида! Жиянни ана шу ўқишга жойласак, бир кун келиб райком бўлиб кетса, газетага муҳаррир бўлармидинг. Қачонгача мухбир бўлиб юрасан? Танишларингни ишга сол, жиянни ўқишга жойлаб қўяйлик.

Гарчи қассобдан райком чиққанини эшитмаган бўлсам-да, газетага «бош муҳаррир» бўлиш иштиёқи кучлилик қилдими ёки райкомга холавачча бўлгим келдими, тоғамнинг раъйига қарши бормадим. Бинойидек таниш-билиш топдик. Биринчи имтиҳон тарихдан экан. Оғзакидан галалашиб «тўрт» олдик. Кейингиси иншо бўйича эди. Маслаҳатлашиб, иншони эркин мавзуда ёзиш ҳақида келишдик. Икки кундан сўнг имтиҳон натижалари эълон қилинди: «икки».

Университет биноси олдида турибмиз. Тоғам ниҳоятда хуноб, нуқул кал бошини силайди. Жиян эса безрайиб турибди. Домлалар келишди.

— «Бой ила хизматчи»даги Ғафур образи ҳақида наҳотки салгина тасаввурга эга бўлмасангиз? — деди улардан бири. — Жуда осон мавзу-ку бу! Ахир Ғафурнинг монологлари ҳар бир ўқувчига ёд бўлиб кетган.

Маълум бўлишича, жиян «шпаргалка»дан фойдаланган. Тўғрироғи, ундан ошкора кўчиришга тушган. Кузатувчи ўқитувчи келиб «шпаргалка»ни олиб қўйган. Ғафур ҳақида ҳеч қандай тасаввурга эга бўлмаган жиян иншо режасини энди кўчириб бўлган экан. Шпаргалка қўлдан кетгач, у шу ерда «тормоз»ланиб қолган.

— Ахир режанинг ўзига баҳо қўйиб бўлмайди-да! — деди домла. — Ғафур ҳақида бирон нима ёзиш керак эди, қийинми шу?

Кал бошини сийпаб турган тоғам менга ўгирилди:

— Буларинг бари «Ғафурлаб» қолди. Ким ўзи у?

Муҳаррир бўлиш ҳақидаги орзуларим пучга чиқиб, хуноб бўлиб тургандим, тескари жавоб қилдим:

— Ғафурми? Заготконторада ишлайди. Каттақўрғонда.

Тоғам тутақиб, жиянига ўшқира кетди:

— Эй, уям менга ўхшаш пўстакфуруш экан-ку! У-бу, деб каллангга келганини ёзавермайсанми? Ҳақини олгандан кейин баҳосини қўйиб берарди-ку, мановилар.

Унинг гапларидан домлаларнинг бўлари бўлди. Тоғам жавраб-жавраб тинчиди.

Энди жиянинг жини қўзиди.

— Ҳе, ўргулдим ўша Ғафурингиздан. Ўшани деб иккита новвоснинг фойдасидан қуруқ қолиб ўтирибман. Бўлди, райком ҳам, мелисаларнинг бошлиғи ҳам бўлмайман. Мен кетдим.

Шундай деб жиян навбатдаги хўкизни бўғизлаш учун жадаллаб жўнаворди. Тоғам эса ялтироқ бошини қашлаганча домлалар олдида ҳижолат тортиб қолди.

Абулфайз БАРОТОВ

Ҳангома

Рассом хандаси

Рассом: Хусан СОДИҚОВ

Ўринсиз рашк

Кеч кириб, Қўйлиқдаги водийга қатновчи автомобиллар турар жойига етиб келиб, таксидан тушишим ҳамон қўлимдан сумкани тортиб олган ҳайдовчи мени машинаси томон етаклади. Ҳали Қўқонга кетиш нархини келишиб улгурмасимиздан машина моторини ўт олдирди.

— Довондан ўтиб олиш керак! Шошмасак, йўл ёпилиб қолади. Эл қатори беравересиз, от билан туя бўлармиди, — дея у газни босди.

Орқа ўриндиқда темир йўл ходими кийимидаги киши ва унинг ёнида бошига қалин рўмол ёпинган ўрта ёшли аёл ўтирарди. Ўзимча уларни эр-хотин бўлса керак, деб ўйладим. Аммо орадан оз фурсат ўтиб, аёлнинг эри телефон қилиб, у билан гаплашгач, уларнинг бир-бирига нотаниш эканлигини тушундим. Аёл йўлга чиққанини, орқа ўриндиқда ўтириб кетаётганини билдириб, эри билан хайрлашди. Бироздан сўнг яна эри телефон қилди. Аёл аввал мулойим жавоб берди. Лекин кейинги қўнғироқлардан асабийлаша бошлади. Довонга етиб боргунимизча олти-етти марта қўнғироққа жавоб берган аёл ўзини анча ноқулай сезарди. Довоннинг 33 км.га етганимизда йўлни ёпиб қўйишган экан. Энг ёмони, бу ерда уяли телефонлар умуман ишламасди. Наилож, кутишдан бошқа чора йўқ.

Йўлдаги воқеа

Шу куни довон очилмади. Биз эркаклар шу ердаги чойхонага кирдик. Кечаси билан чойхона супасида бир амаллаб тонгни қаршиладик. Йўловчи аёллар тунни ўриндиқларда ўтириб ўтказди.

Эртаси соат ўн бирларда йўл очилди. Кутавериб зерикиб кетган ҳайдовчилар шошиб йўлга тушди. Тушдан кейин Қўқонга етиб келдик. Аммо етиб келгунимизча, ҳалиги аёл эри билан телефонда ҳадеб уришарди. У синглисига, турмушга чиққан қизига қўнғироқ қилиб вазиятни тушунтиришда ёрдам сўради. Улар бундан бош тортди, шекилли, аёлни эри кутиб оладиган бўлди. Қизиғи, аёл биз эркаклар билан бир оғиз ҳам гаплашмасди.

Қўқонга етиб келишимиз билан эшикни юлиб олгудек очган ўрта ёшли эркакнинг важоҳати ёмон эди. Аёлининг уч эркак ҳамроҳлигида келганини кўриб, сочи тикка бўлиб кетди. Ҳайдовчининг довон ёпилиб қолганлиги ҳақидаги гувоҳлиги ҳам ўтмади. Машинадан тушиши билан эрининг кучли зарбасидан хотин ерга йиқилди. Яхшиямки, қор бор эди...

Аёлни ўйлаб ўртага тушган ҳайдовчи ҳам балога қолди. Аранг уларни тинчитдик. Йўлда давом этар эканмиз, ҳайдовчи бу одамни таниши, у бозорда аёллар сумкаси сотишини айтди.

— Рашкчи эр хотинини Тошкентга савдога юбормай уйида боқиб ўтирса, бўлмайдими? — дея нолиб қўйди сўнг.

Мен эса аёлга ачиниб, рашкнинг меъёри хусусида ўйга толдим...

Абдулҳай МАМАЖОН ўғли

O'KUF FTUU

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:
Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay'ati:
Normamat ALLAYOROV,
Muhammad Ali AHMEDOV,
Oksana BELAUSOVA,
Dovud MADIYEV
(Bosh muharrir o'rinbosari),
Baxtiyor MAHMADALIYEV,
Sog'indiq NIYETULLAYEV,
Eson RAJABOV,
To'lqin TESHABOYEV,
Jahongir SHAROFBOYEV
(Mas'ul kotib),
Anvar YUNUSOV

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot 256-03-90
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e'lonlar 256-87-73

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 99897 465 05 68;
Buxoro + 99893 653 50 81;
Jizzax + 99872 360 00 10;
Navoiy + 99894 226 28 84;
Namangan + 99897 491 79 28;
Samarqand + 99866 708 70 12;
Surxondaryo + 99897 458 05 07;
Farg'ona + 99873 221 93 19;
Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 99862 562 56 75;
Qashqadaryo + 99897 414 30 78

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy
E-mail: ishonch2011@gmail.com

Nashr ko'rsatkichi:
133

Navbatchi muharrir:
A. Toshev

Navbatchi:
S. Abdurahmonov

Musahhih:
S. Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi:
H. Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h) - Tijorat materiallari

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bosishga topshirish vaqti - 21. 00
Topshirildi - 21.30

Buyurtma Г — 211

23314 nusxada bosildi

2345